

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА МАРҲАБО ХАБИБУЛЛО ҚИЗИ

ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Саидова Мархабо Хабибулло қизи

Ўзбекистонда бизнесни ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил
қилиш усулларини такомиллаштириш..... 3

Саидова Мархабо Хабибулло қизи

Совершенствование методов статистического анализа процессов
развития бизнеса в Узбекистане..... 28

Saidova Markhabo Habibullo qizi

Improvement of methods of statistical analysis on business development
processes in Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА МАРҲАБО ХАБИБУЛЛО ҚИЗИ

ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.06–Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt573 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Хабибуллаев Иброҳим Хабибуллаевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хатамов Очилди Қурбонович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Рашитова Нилуфар Хотамбоевна иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти


Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.1.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “4” 10 куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239 01 49; факс: (99871) 2326992; e-mail: info@tsue.uz


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (108 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239 01 49; факс: (99871) 2326992.

Диссертация автореферати 2021 йил “20” 09 да таркатилди.
(2021 йил «20» 09 даги 3 рақамли реестр баённомаси.)




Г.К. Абдурахманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.н., профессор


Б.Д. Хажиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент


Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнеснинг мобиллик даражасининг юқорилиги, инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш ва бандлик муаммосининг ҳал этишдаги имкониятларининг кенглиги кабилар таъсирида унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётлар ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)нинг 40,0 фоизигача ўз ҳиссасини кўшмоқда.

COVID-19 пандемияси таъсирида вужудга келган глобал инқироз шароитида бизнес яна бир бор ўзининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали субъект эканлигини кўрсатди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, “2030 йилга қадар ошиб бораётган ишчи кучи бандлигини таъминлаш учун 600 миллион иш ўрнини яратиш керак”¹. Истиқболда ҳам кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишдаги ва аҳолини иш билан таъминлашдаги аҳамияти янада ортиб боришини эътиборга олган ҳолда, бугунги кунда бизнесни устувор ривожлантириш, унинг самарали фаолияти учун зарурий ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган шароитда, бизнес субъектларини янада ривожлантириш ва улар фаолиятини прогнозлаштиришнинг статистик ахборотлар таъминотини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар устувор даражада амалга оширилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида бизнес муҳитини янада яхшилашга қаратилган мақсадли стратегияларни ишлаб чиқишнинг статистик ишонч интервали даражасини ошириш, статистик тадқиқотларда моделлаштиришнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда ҳулоса ва таклифларнинг асосланганлик даражасини ошириш, фаол бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда ностандарт иқтисодий шароитлар учун ҳам бизнес тенденциялари ўзгаришини аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, камбағаллик даражасини пасайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали ривожи учун ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий шарт-шароит яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишда, энг асосийси, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ҳамда иш жойларини кўпайтиришимиз зарур»². Мазкур вазифалар ижросида бизнеснинг ривожланиш жараёнларини

¹ <https://www.worldbank.org/en/topic/sme/finance> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 25.01.2020/ <https://uza.uz/oz/politics>.

статистик таҳлил қилиш, моделлаштириш ва прогнозлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш (хизмат кўрсатиш) сегментларига дифференциал ёндашиш, ривожланиш тенденцияларини замонавий талаблар асосида статистик нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, прогноз кўрсаткичларини асослашда нормал тақсимот ва оптимал қийматлар каби қонуниятлардан фойдаланиб, аниқлик даражасини оширишга қаратилган илмий-тадқиқотлар камровини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПФ-5978-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бизнеснинг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш усуллари ва методологик асосларини ўрганиш хорижий ҳамда республикамиз иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, бизнес ривожланишининг назарий жиҳатлари хорижлик олимлардан R.Drogendijk, M.Oscar, N.Dutta, R.S.Sobel, Z.Greenberg, Y.Farjab, E.Gimmon, C.N.Leonidous, M.Hultman, M.C.Ehrhardt, E.F.Brigham., B.R.Schiller, K.Gebhardt, D.M.Levine, D.F.Stephan, K.A.Szabat, S.P. Robbins, T.A.Judge, K.Anordstrom, J.Ridderstrail ва бошқаларнинг³ илмий ишларида ёритилган.

³ R.Drogendijk, M.Oscar. Relevant dimensions and contextual weights of distance in international business decisions: Evidence from Spanish and Chinese outward FDI. 2015. *International Business Review*.24(1).133-147.<https://doi.org/10.1016/j.ibusrev.2014.07.003>. N.Dutta, R.S.Sobel. Entrepreneurship and human capital: The role of financial development. *International Review of Economics and Finance*. 2018. doi: 10.1016/j.iref.2018.01.020. Z.Greenberg, Y.Farjab, E.Gimmon. Embeddedness and growth of small businesses in rural regions.2018. C.N.Leonidous, M.Hultman. Global marketing in business-to-business contexts: Challenges, developments, and opportunities.2018. Journal homepage: www.elsevier.com/locate/indmarman; M.C.Ehrhardt, E.F.Brigham. *Financial Management: Theory and Practice*. Thirteenth Edition.South-Western Education. 2011. 1181p. www.CengageBrain.com; B.R.Schiller, K.Gebhardt. *Essentials of Economics*. Tenth Edition. Published by McGraw-Hill Education, 2 Penn Plaza, New York, NY 10121. McGraw-Hill Education. 2017. 470pages; D.M.Levine, D.F.Stephan, K.A.Szabat. *Statistics for Managers Using Microsoft Excel*. 8th Edition Global Edition. Pearson Education Limited Edinburgh Gate Harlow Essex CM20 2JE England.2017.721 p.; S.P. Robbins, T.A.Judge. *Organizational Behavior*. 17 editions. Pearson Education Limited Edinburgh Gate Harlow Essex CM20 2JE England. PearsonEducationLimited. 2017. 725 p.; K.Anordstrom, J.Ridderstrail. *Funky business forever: How to enjoy capitalism*.© Bookhouse Publishing 2007.351 p.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан бизнес жараёнлари ва моделларининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари борасида ўзига хос йўналишда В.В.Репин, М.Рыбаков, В.Г.Елиферов, А.Бьёрн, М.С.Абрютина, А.И.Белов, С.В.Казанцев, И.Н.Меренкова, А.Н.Носов, О.И.Пантелеева, Д.Сепик, Г.Н.Добрин, А.Е.Карлик, М.И.Бухалков, В.Н.Васильев, А.В.Шеер, Г.Калянов сингари олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар⁴.

Бизнесни ривожлантиришда унинг ташкилий томонлари билан бир қаторда ривожланишини таҳлил қилиш ва прогнозлаш масалаларининг назарий-услубий жиҳатлари ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга ва уни янада такомиллаштириш давр талабидир. Бу борада мамлакатимизнинг қуйидаги иқтисодчи олимларининг илмий ишларини келтириш мумкин. С.С.Ғуломов, Т.Ш.Шодиев, Н.М.Маҳмудов, Б.Б.Беркинов, Б.А.Бегалов, Б.К.Ғойибназаров, Б.Ю.Ходиев, М.П.Цой, О.Қ.Рихсимбоев, Х.А.Джалилов, С.К.Салаев, И.М.Абдуллаева, Ҳ.О.Раҳмонов ва бошқалар⁵ томонидан кичик бизнесни ривожлантиришнинг илмий-амалий асослари ва масалалари билан бир қаторда кичик бизнес ривожланишини таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш масалаларининг назарий-услубий жиҳатлари ўрганилган.

⁴ Репин В.В. Бизнес-процессы. Моделирование, внедрение, управление. М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014. 512 с.; Рыбаков М.Ю. Бизнес-процессы. Как их описать, отладить и внедрить: Практикум. М.: Журавковская, 2016-2019. 590 с.; Елиферов В.Г., Репин В.В. Бизнес процессы. Регламентация и управления. М.: Инфра-М, 2004. 320 с.; Андерсен Бьёрн. Бизнес-процессы. Инструменты совершенствования. М.: РИА, Стандарты и качество, 2008. 272 с.; Абрютина М.С. Экономика предприятия: Учеб. – М.: Дело и сервис, 2004.; Белов А.И., Добрин Г.Н., Карлик А.Е. Экономика организации (предприятия): Практикум / Под ред. А.Е. Карлика. М.: ИНФРА-М, 2003.; Казанцев С.В. Потенциал экономики регионов России как основа их внутренней конкурентоспособности // Регион. 2004. №1.; Меренкова И.Н. Диагностика уровня развития сельских территорий // Региональная экономика: теория и практика. 2010. №24.; Носов А.К. Управление взаимоотношениями в региональной кластерной структуре, связанной цепью поставок // Логистика и управление цепями поставок. 2009. №6.; Пантелеева А.П. Применение индикаторов устойчивого развития в региональном и муниципальном уровнях // Региональная экономика: теория и практика. 2010. №22.; Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // Регион: экономика и социология. 2005. №2.; Бухалков М.И. Планирование на предприятиях машиностроения: Учебное пособие. Самара: СамГТУ, 1995. 56 с.; Васильев В.Н. Организация производства в условиях рынка. М.: Машиностроение, 2003.; Шеер А.В. Моделирование бизнес-процессов. М.: Весть-Мета Технология, 2000. 206с.; Калянов Г.Н. Моделирование бизнес процессов // Практики управления. 2006. 302 с.

⁵ Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. Т.: Фан, 1980. 194 с.; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис.док.экон.наук. Т., 1988. 380 с.; Маҳмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопко перерабатывающих отраслей: Автореф. дисс.док. эк. наук. Т.: ТГЭУ. 1993. 36 с.; Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведение сельского хозяйства. Т.: Фан, 1991.; Бегалов Б.А. Ахборот коммуникациялар бозорининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш: Икт.фан.док.дисс. Т.: ТДИУ, 2001. 330 б.; Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. – Т.: ФАН, 2006.–125 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2000.; Цой М.П. Эконометрический анализ бизнес стратегии промышленного предприятия: Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2000. Рихсимбоев О.Қ. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик башоратлаш: Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2002.; Джалилов Х. Истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишнинг статистик тадқиқот усулларини такомиллаштириш (МХТасосида): Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2004.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2008.; Абдуллаева И.М. Эконометрический анализ хозяйственной деятельности фирмы (на примере АООТ “Рохат” Наманганской области): Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2008.; Раҳмонов Ҳ.О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2010.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шароитида мавзуга оид умумий фикрлар келтирилган бўлса-да, лекин кичик бизнеснинг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш усулларини барқарор бўлмаган шароитларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш масаласи комплекс тарзда алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бизнесни ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бизнес ривожланишининг асосий тамойиллари, ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда хориж тажрибасини тадқиқ этиш ва ёритиш, уларни статистик ўрганишни назарий ва услубий жиҳатдан асослаш;

бизнес субъектларида замонавий статистик ахборотлар тизимини шакллантиришнинг амалдаги муаммолари ва уларнинг ечимларини таҳлил қилиш, шунингдек, бизнес субъектлари фаолияти тўғрисида статистик маълумотларни тўплашнинг самарали услубий ёндашувларини ишлаб чиқиш;

бизнеснинг ривожланиш жараёнларига таъсир этувчи омил ва рискларни таҳлил қилиш;

бизнеснинг ривожланиш жараёнларини тавсифловчи асосий иқтисодий-статистик кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

бизнеснинг ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар динамикасини ҳисоблашнинг амалдаги статистик усулларини таҳлил қилиш ва бизнес ривожини прогнозлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

республикада бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

бизнес субъектларида саволнома асосида танланма кузатув ўтказиб, уларнинг натижалари бўйича бизнес субъектларининг ҳолати ва бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш учун таклифлар ишлаб чиқиш;

бизнеснинг ривожланиш тенденциялари модели ва прогноз натижаларини статистик баҳолаш, шунингдек, мустақиллик йилларида бизнеснинг республика ЯИМ ҳажми ошишига таъсирини статистик таҳлил қилиш;

бизнеснинг ривожланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ва бизнес ривожланиши кўрсаткичларининг 2021-2026 йилларга прогноз вариантларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган бизнес субъектлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини бизнес фаолиятидаги иқтисодий муносабатлар ва бизнесни ривожлантириш жараёнларининг статистик таҳлилий фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда статистик кузатув, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, динамик ўзгаришни аниқлаш, SWOT ва STEEPLЕ таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, моделлаштириш, анализ-синтез, баҳолаш, индукция ва дедукция, корреляцион ва регрессион таҳлил, истиқболли прогнозлаш, «Агарда» сценарийларини тузиш ва жадвалларда акс эттириш сингари маълумотларни самарали таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

микрофирма ва кичик корхоналар фаолияти тўғрисидаги статистик 4-КБ шакл таркибида бизнес субъектларининг ўтган ва жорий даврдаги ҳолати, яқин уч ойдаги истиқболи ва бизнесга бўлган ишонч муҳитини умумиқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда, «қулай», «қониқарли» ва «қониқарсиз» мезонлар асосида баҳолаш асосланган;

макро, микро ва ҳудудий даражада бизнеснинг ривожланиш ҳолати, тенденцияси ва истиқболлини статистик баҳолашга ёндашувни ишлаб чиқариш ҳажми билан бир қаторда тушумлар асосидаги ёндашув негизида баҳолашнинг (макро миқёсда бизнесдан тушумлар; соҳада бизнесдан тушумлар; ҳудудда бизнесдан тушумлар) мақсадга мувофиқлиги асосланган;

бизнес ривожига, айниқса ностандарт иқтисодий шароитларда таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг статистик аниқлик даражасини оширишда эксперт баҳолаш усули жараёнга таъсир кўрсатувчи иқтисодий-ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий омиллар билан бир қаторда сиёсий ва ахлоқий омилларни эксперт баҳолаш ва экспертлар хулосаларини эконометрик-статистик умумбаҳолаш асосида такомиллаштирилган;

бизнеснинг, жумладан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидаги (X_1), саноатдаги (X_2), қурилишдаги (X_3) ва савдодаги (X_4) соҳа ва ялпи ички маҳсулотдаги ҳажмини нормал тақсимот ва α, β, γ оптимал қийматлари каби омилларнинг аниқлик даражаси юқорилиги шароитида 2026 йилгача бўлган прогноз сценарийлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бизнес субъектлари ҳолатини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар бўйича танланма кузатув ўтказиш бўйича саволномага «бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш» бўлими киритилган;

бизнеснинг мамлакат миқёсида, миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) институционал секторларида, асосий тармоқлар ва ҳудудлар кесимида ривожланиш тенденцияларини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар асосида комплекс таҳлил ёндашуви ишлаб чиқилган;

бизнеснинг ривожланиш жараёнларига таъсир этувчи омилларнинг миқдорий (иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кичик бизнес ҳажми) ва сифат (STEEPLЕ таҳлили) кўрсаткичларини баҳолаш услугиёти ишлаб

чиқилган ва маълумотларни блокчейн қилиш асосида тўғри таҳлил қилувчи, натижаларни аниқ баҳоловчи, рақамли иқтисодиёт талабларига мос электрон дастур яратилган;

ЯИМ таркибидаги кичик бизнес ҳажмига таъсир этувчи омилларни бевосита ва билвосита омилларга ажратилиб, улар бўйича кўп омилли эмпирик моделлар тузилган ва сценарийлар усулида 2021-2026 йиллар учун прогноз вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, республикада фаолият юритаётган бизнес субъектлари маълумотларига асослангани, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилишга оид назарий ва услубий ёндашувларни ҳамда мавзуга оид бўлган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар бизнеснинг ривожланиш жараёнларини кенг қамровли таҳлил қилиш асосида қисқа вақт ичида аниқ баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда олий таълим тизимида «Статистика», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» ва «Эконометрика асослари» фанини талабаларга ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

микрофирма ва кичик корхоналар фаолияти тўғрисидаги 4-КБ статистик ҳисобот шакли таркибида бизнес субъектларининг ўтган ва жорий даврдаги ҳолати, яқин уч ойдаги истиқболи ва бизнесга бўлган ишонч муҳитини умумиқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда «қулай», «қониқарли» ва «қониқарсиз» мезонлар асосида статистик баҳолаш бўйича асосланган таклиф асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 40-сон қарорининг 27-иловасидаги микрофирма ва кичик корхоналар танланма кузатувини ўтказиш саволномаси такомиллаштирилган (Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 01/2-7-16/2-23-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан амалиётда фойдаланиш бизнеснинг ривожланиш истиқболларини баҳолаш орқали кичик корхона ва микрофирмаларда бизнеснинг ривожланиш ҳолатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш, шунингдек, бизнес субъектларининг ўз фаолиятини янада ривожлантиришда ишонч муҳитини яратиш, кутилаётган самарадорликка эришиш бўйича келгуси стратегик режалар ишлаб чиқиш имконини берган;

макро, микро ва ҳудудий даражада бизнеснинг ривожланиш ҳолати, тенденцияси ва истиқболлини статистик баҳолашга ёндашувни ишлаб чиқариш ҳажми билан бир қаторда тушумлар асосидаги ёндашув негизида баҳолаш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 01/2-04-18/2-242-сон маълумотномаси). Натижада бизнес соҳасига оид статистик ахборотлар базаси такомиллаштиришга ва статистик баҳолаш натижаларининг аниқлик даражасини оширишга эришилган;

бизнес ривожига, айниқса ностандарт иқтисодий шароитларда таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг статистик аниқлик даражасини оширишда эксперт баҳолаш усули жараёнга таъсир кўрсатувчи иқтисодий-ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий омиллар билан бир қаторда сиёсий ва ахлоқий омилларни эксперт баҳолаш ва экспертлар хулосаларини эконометрик–статистик умумбаҳолаш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан бизнес субъектлари фаолияти бўйича статистик-таҳлилий материалларни тайёрлашда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 01/2-7-16/2-23-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида бизнес субъектлари фаолиятини баҳолаш ва ривожланиш кўрсаткичларининг статистик таҳлилининг амалга оширишда натижалар аниқлигига эришилган, жараёнини 15 % га қисқартиришга эришилган;

бизнеснинг, жумладан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидаги (X_1), саноатдаги (X_2), қурилишдаги (X_3) ва савдодаги (X_4) соҳа ва ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми прогноз сценарийларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2021-2026 йилларда бизнесни ривожлантириш йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 01/2-04-18/2-242-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида бизнеснинг ЯИМ таркибидаги ҳажми ривожланиш ҳолатининг прогноз вариантлари бўйича 2021-2026 йиллардаги қийматлари аниқлаштирилиб, мақсадли прогноз кўрсаткичларининг аниқлик даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертацион тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 16 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва ўрганиш зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бизнесни ривожланиш жараёнларини статистик тадқиқ этишининг илмий-назарий асослари ва хориж тажрибаси**» деб номланган биринчи бобда мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштириш ва модернизациялаш шароитида бизнеснинг аҳамияти ва ўрни кўрсатилган, бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик ўрганишнинг назарий-услубий асослари ёритилган, бизнес ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилган.

Бизнесни ривожлантириш иқтисодиётнинг ўсиш нуқталаридан бири, у янгилик яратиш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашувчи соҳа ҳисобланади. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш 2020» рейтингига кўра, Ўзбекистон 69-ўринни эгаллаб, бизнес бошлашнинг қулайлигига кўра 8-ўринга лойиқ деб топилган⁶. Бу эса мамлакатимизда бизнес муҳити яхшиланиб бораётганлигининг ёрқин мисолидир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат бизнесни ривожланишини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Бизнес ривожланиш жараёнларининг иқтисодий ўсишга таъсирини статистик баҳолашда маълумотлар етишмаслиги, бу соҳада маълумотлар тўплаш ва маълумотларни қайта ишлашдаги муаммолар, бизнес ривожланиш кўрсаткичлари Европа ҳамжамятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичи (NASE Rev.2)га асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (IFUT-2) бўйича шакллантириш жорий этилганлиги сабабли, ўтган йиллар бўйича қайта ҳисобловларни тақозо этиши, МХТ 2008 андозаларга тўлиқ мослашилмаганлиги сабабли чет давлатлардаги мавжуд статистик кўрсаткичлар билан таққослашдаги қийинчиликлар бизнес жараёнларини статистик таҳлил усуллариини такомиллаштириш зарурлигини кун тартибига қўйди.

Дунёда бизнеснинг умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмас. Кўплаб олимлар ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб, таърифлар келтирганлар. Жумладан, А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиев бизнесни «даромад келтирадиган ёки наф берадиган хўжалик фаолияти (касб-кор, машғулот) соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш⁷ деган фикрни билдирган бўлса, Европа амалий фанлар университети профессори Адам Хаек, бизнес деганда тижорат, ишлаб чиқариш ёки касбий

⁶http://www.doingbusiness.org/~media/WBG/DoingBusiness/Documents/Annual-Reports/English/Doing_Business_2020_Reforms_Propel_Uzbekistan_to_Place_Among_World's_Top_20_Business_Climate_Improvers.pdf;

⁷ Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993. 14 б.

фаолият билан шуғулланувчи ташкилот ёки тадбиркорлик субъекти тушунилади⁸ деган фикрни илгари сурган.

Бизнес тушунчасига олимлар томонидан билдирилган бир нечта ёндашувларни тадқиқ этиш асосида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра: **«Бизнес, бу жисмоний ва юридик шахсларнинг бозор муносабатлари тизимидаги ишчанлик фаолияти ҳамда ишлаб чиқариш, сервис соҳасида даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришишга қаратилган фаолият туридир».**

Бизнес тушунчасининг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш, ўз навбатида, жараён тушунчасини ҳам ёритишни тақозо этади. Жараён бу ISO 9000:2000 атамасига кўра, ўзаро боғлиқ ёки ўзаро таъсир қилувчи фаолият турлари барча қиримларининг натижаларига айлантирилишидир. Бизнес жараёни истеъмолчи учун нафлик касб этувчи, мавжуд ресурслардан фойдаланиб, маҳсулот ёки хизматлар яратиладиган турли хил фаолиятлар тўпламидир⁹. Бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш эса мавжуд ўзгаришларга баҳо бериш ва қарор қабул қилишга эришиш мақсадида бизнеснинг ривожланиш жараёнларини ҳолати ва ўзгаришини статистик усуллар орқали таҳлилларни амалга оширишидир¹⁰.

Мамлакат миқёсида бизнес ривожланиши унга таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ бўлиб, улар сифат ва миқдор жиҳатидан ўрганилади. Жаҳон Банкнинг «Doing Business 2020» рейтингида бизнес ривожига таъсир этувчи муҳим омиллар сифатида бизнес юритишнинг осонлиги, қурилиш ишларига рухсат бериш, электр билан таъминланганлик, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш, солиқларни тўлаш, чегаралар орқали савдо қилиш, шартномаларни бажариш, тўловга қобилиятсизлигини ҳал қилиш кабилар ҳам таъсир кўрсатади. Чунончи, бизнесни бошлаш жараёни осонлиги омилида энг яхши кўрсаткичга дунё бўйича Янги Зеландия эришган; қурилиш ишларига рухсат бериш бўйича ҳеч бир давлат яхши кўрсаткичга эга бўлмаган, шунга қарамай, Хитой Халқ Республикаси, Луксембург ва Бирлашган Араб Амирликларида қурилиш сифатини назорат қилиш индекси бўйича 0 ва 15 даража бўйича ўлчанганда, 15 даражага эга бўлган¹¹.

Муаллиф томонидан бизнес фаолияти ривожланиш жараёнига таъсир этувчи юқоридаги омиллардан ташқари етти та омиллар гуруҳининг салмоғини беш балли шкала бўйича баҳоланишнинг STEEPLE таҳлили таклиф этилган бўлиб, бунда ҳар бир омил баҳоланувчи асосий кўрсаткичлар гуруҳларга ажратилди ва Кендаллнинг конкордация коэффициенти орқали экспертлар баҳосининг ҳаққонийлиги даражаси текширилди.

⁸ Адам Хаес, Economics. Berlin, 4 th edition, 2017.

⁹ Т.Ш. Шодиев, А.И. Ишназаров ва бошқалар Бизнес жараёнларини моделлаштириш: Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2006. 175 б.

¹⁰ Илмий изланишлар натижасидаги муаллифлик таърифи.

¹¹<http://documents1.worldbank.org/curated/en/688761571934946384/pdf/Doing-Business-2020-Comparing-Business-Regulation-in-190-Economies.pdfpage №78-79>.

Ўзбекистонда бизнес ривожланиш жараёнларига таъсир этувчи омиллар вазнининг эксперт баҳолари (беш балли шкала бўйича)¹²

Экспертлар / Баҳолар мезони	Экспертлар				Ранг- лар сумма си (r_i)	r	Ранг	Пара- метр киймати
	1	2	3	4				
Social (Ижтимоий)	1	3	4	2	10	2,5	4	0,15
Technological (Технологик)	3	5	4	1	13	3,25	2	0,19
Economic (Иқтисодий)	5	3	5	3	16	4	1	0,21
Environmental (Экологик)	3	3	3	2	11	2,75	3	0,18
Political (Сиёсий)	2	4	1	2	9	2.25	4	0,15
Legal (Ҳуқуқий)	3	1	2	2	8	2	5	0,12
Ethical (Ахлоқий)	1	2	3	2	7	1,75	6	0,10
Сумма	15	15	15	15	60			

1-жадвал маълумотларида келтирилган STEEPLE таҳлилининг мезонлари бир гуруҳ экспертларнинг фикрлари асосида шакллантирилган ва баҳоланган бўлиб, Ўзбекистонда бизнес ривожланиш жараёнларига таъсир этувчи омиллар вазнининг эксперт баҳолари натижаларига кўра, технологик ва иқтисодий омиллар ижтимоий омиллардан устунроқ туради.

Қуйидаги 1-расмда муаллиф томонидан «Иқтисодиётда бизнеснинг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш» алгоритми келтирилган бўлиб, мазкур алгоритмга кўра бизнес ривожланиш жараёнлари миқдорий жиҳатдан ўрганилганда амалга оширилиши лозим бўлган 4 та босқич асосида маълумотлар самарали таҳлил қилинади ҳамда прогноз қилинади:

¹² Манба: Эксперт баҳолари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.



1-расм. Иқтисодиётда бизнеснинг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш ва прогностлаш алгоритми¹³

¹³ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

Диссертациянинг «**Бизнес ривожланиш жараёнларининг иқтисодий-статистик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобда бизнес субъектлари фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплаш услубиёти ўрганилган, бизнес ривожланиш жараёнларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинган, бизнес ривожланиш жараёнлари танланма кузатувлари самарадорлигини ошириш ва баҳолаш йўллари тадқиқ этилган.

Муайян макон ва замонда ҳар бир жараён ўзаро ўзига хос тизим орқали боғлангани каби бизнес субъектлари ҳам айрим МХТ институционал секторларидан молиявий бозорлар, давлат бошқарув органлари, уй хўжаликлари, ташқи дунё секторлари билан узвий боғланган. Ушбу боғлиқликларни тадқиқ этишда бизнеснинг макро, микро ва ҳудудий даражада баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Буларни эътиборга олган ҳолда бизнесдан тушумлар асосидаги ёндашув негизида баҳолашнинг макро миқёсда бизнесдан тушумлар; соҳада бизнесдан тушумлар ва ҳудудда бизнесдан тушумлар кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилди:

Макро миқёсда бизнесдан тушумлар мамлакат миқёсида бизнесдан тушган тушумлар(моддий харажатлардан ташқари)ни ялпи ички маҳсулотга нисбатан қанчалигини кўрсатади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{MB} = \frac{MBT}{YaIM}, \quad (1)$$

бу ерда: K_{MB} - мамлакатда бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент; MBT —мамлакат миқёсида бизнесдан тушумлар (моддий харажатлар иштирокисиз); $YaIM$ – ялпи ички маҳсулот.

Соҳада бизнесдан тушумлар иқтисодиёт асосий тармоқларида бизнеснинг улушини акс эттиради (2-жадвал).

2-жадвал

Бизнесни иқтисодиёт субъектларидаги улушини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими¹⁴

т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳлар
1.	Соҳаларда бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{CB}^i = \frac{C_{BT}^i}{C_{YM}^i}$	C_{BT}^i – i -соҳада бизнесдан тушган тушумлар, C_{YM}^i – i -соҳада ялпи қўшилган қиймат
2.	Ҳудудларда бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{HB}^i = \frac{H_{BT}^i}{YHM_i}$	H_{BT}^i – i -ҳудудда бизнесдан тушган тушумлар YHM_i – ялпи ҳудудий маҳсулот.
3.	МХТ институционал секторларида бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{SB}^i = \frac{S_{BT}^i}{S_{YM}^i}$	S_{BT}^i – i -секторда бизнесдан тушган тушумлар, S_{YM}^i – i -сектор ялпи қўшилган қиймат.
4.	Аҳоли даромадларида бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{BAD} = \frac{A_{jb}BT}{A_{jb}D}$	$A_{jb}BT$ - аҳоли жон бошига бизнесдан тушган тушум, $A_{jb}D$ - аҳоли жон бошига тўғри келган даромадлар.

¹⁴ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

5.	Иқтисодий фаол аҳолининг бизнесда бандлиги коэффициенти	$K_{BAB} = \frac{BFA}{IFA}$	<i>BFA</i> – бизнесда фаолият юритувчи аҳоли сони, <i>IFA</i> – иқтисодий фаол аҳоли сони.
6.	Ташқи иқтисодий фаолиятда бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{TIFB} = \frac{TIFBT}{Q_{TIF}}$	<i>TIFBT</i> - ташқи иқтисодий фаолиятда бизнесдан тушган тушумлар, <i>Q_{TIF}</i> - ташқи иқтисодий фаолият ҳажми.

Микро миқёсда бизнесдан тушумлар тармоқлар таркиби, ҳудудларнинг вилоят ва туманлари кесимида бизнеснинг улушини тавсифлаб беради. Масалан, бизнеснинг қишлоқ хўжалиги кичик тармоқларидаги улушини ифодаловчи хусусий статистик кўрсаткичлар тизими қуйидагилардан иборат:

3-жадвал

Бизнесни қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғидаги улушини ифодаловчи хусусий статистик кўрсаткичлар тизими¹⁵

т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳлар
1.	Деҳқончиликда бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{DB} = \frac{D_{BT}}{D_{YICH}}$	<i>D_{BT}</i> – деҳқончиликда бизнесдан олинган тушумлар, <i>D_{YICH}</i> – деҳқончилик ялпи маҳсулоти.
2.	Чорвачиликда бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{CHB} = \frac{CH_{BT}}{CH_{YICH}}$	<i>CH_{BT}</i> – чорвачиликда бизнесдан олинган тушумлар, <i>CH_{YICH}</i> – чорвачилик ялпи маҳсулоти.
3.	Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бизнеснинг улушини ифодаловчи коэффициент	$K_{QXBSB} = \frac{QXBS_{BT}}{QXBS_{YICH}}$	<i>QXBS_{BT}</i> – қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бизнесдан олинган тушумлар, <i>QXBS_{YICH}</i> – қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ялпи маҳсулоти

Мамлакат ҳудудлари миқёсида бизнеснинг улушини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимининг вилоят(туман)лар миқёсида бизнесдан тушумлари вилоят (туман)да ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати билан аниқланади.

¹⁵ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

**Бизнеснинг мамлакат ҳудудлари миқёсидаги улушини ифодаловчи
статистик кўрсаткичлар тизими¹⁶**

т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳлар
1.	Вилоят миқёсида бизнеснинг улуши коэффициенти	$K_V^i = \frac{V_{HT}^i}{V_{YICH}^i}$	V_{HT}^i –i-вилоятда бизнесдан олинган тушумлар, V_{YICH}^i –i- ялпи ҳудудий маҳсулот.
2.	Туман миқёсида бизнеснинг улуши коэффициенти	$K_T^j = \frac{T_{BT}^j}{T_{YICH}^j}$	T_{BT}^j –j-туманда бизнесдан тушумлар, T_{YICH}^j –j- ялпи ҳудудий маҳсулот..

Соҳалар кесимида мамлакат миқёсида бизнесдан тушумлар (МВТ) миқдори соҳалардаги бизнесдан тушумлар (C_{BT}^i) йиғиндисига тенг,

$$MBT = \sum_i C_{BT}^i, \quad (2)$$

бизнесдан тушумлар коэффициенти эса $K_{BT} = \prod_i K_{CB}^i$ формулалар орқали ҳисоблаш тавсия этилади.

МХТ секторларидаги бизнесдан тушумлар (S_{BT}^i) шу секторга тегишли бўлган институтционал бирликларидаги бизнесдан тушумлар ($IB_{BT}^{i,j}$) йиғиндисига тенг. Юқоридагилардан хулоса қилиб қуйидаги муносабатни ёзиш мумкин:

Мамлакат миқёсида МХТ секторларида бизнесдан тушумлар ҳажми -

$$MBT = \sum_i S_{BT}^i, \quad S_{BT}^i = \sum_j IB_{BT}^{i,j}, \quad (3)$$

бизнесдан тушумлар коэффициенти эса $K_{BT} = \prod_i K_{SB}^i$ формулалар орқали ҳисоблаш тавсия этилади.

Ҳудудлар кесимида мамлакат миқёсида бизнесдан тушумлар (МВТ) миқдори вилоятлардаги бизнесдан тушумлар ($V_{BT}^{i,j}$) йиғиндисига тенг,

¹⁶ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

$$MBT = \sum_i V_{BT}^i, \quad V_{BT}^i = \sum_j T_{BT}^{i,j}, \quad (4)$$

бизнесдан тушумлар коэффиценти эса $K_{BT} = \prod_i K_{NB}^i$ формулалар орқали ҳисоблаш тавсия этилади.

Бизнесдан тушум коэффиценти эса қуйидаги тенгликни қаноатлантириши керак:

$$K_{MB} = \prod_i K_{CB}^i = \prod_i K_{NB}^i = \prod_i K_{SB}^i \quad (5)$$

Мамлакатда бизнеснинг ривожланиш кўрсаткичлари унинг иқтисодий фаолияти натижаларини ифодаловчи индикаторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши билан тавсифланади. Юқорида келтирилган формулалар орқали бизнес улушлари ҳисобланади. Бизнеснинг ЯИМдаги улушини билиш учун иқтисодиёт тармоқларидаги бизнеснинг улушини ажратиб олиш муҳим. Чунки ЯИМдаги бизнеснинг улуши тармоқлардаги бизнесдан тушган тушумлардан моддий харажатлар айирмасига тенг.

Ўзбекистонда бизнес ҳолатини ва ривожланиш истиқболларини самарадорлигини оширишда чораклик 4-КБ шакл саволномалари орқали баҳолашни умумлашган ва тармоқлар кесимида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 40-сон қарорининг 27-сон иловасидаги кичик корхона ва микрофирмалар танланма кузатувини ўтказиш саволномасини такомиллаштириш долзарб саналади. Хусусан, саволномада бизнес субъектларининг ҳолатини ва бизнесга бўлган ишонч муҳитини баҳолаш бўйича янги бўлим ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш натижасида микрофирма ва кичик корхоналарда бизнес ривожланиш ҳолатини баҳолаш ва назорат қилиш, бизнес субъектларини ўз фаолиятини янада ривожлантиришда ишонч муҳитини яратиш, кутилаётган самарадорликка эришиш учун келгусида стратегик режалар ишлаб чиқиш имконини беради. Мазкур саволнома Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича иштирок этувчи, танланма кузатишга тасодифий танлаш асосида тушган микрофирма ва кичик корхоналар саволномани тўлдирилган чоракдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар eStat 4.0 автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборилади, саволномани тўлдиришда танланган жавобни “X” белгиси билан ифодаланиб, миқдорий маълумотлар эса бутун сонларда кўрсатилади.

Ўзбекистонда бизнес ҳолати ва ривожланиш истиқболларини самарадорлигини оширишда чораклик 4-КБ шакл саволномалари 2021 йилнинг I чорак яқунларига кўра, 20093 та кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида танланма кузатувлар ўтказилди.

Бизнесга ишонч мухитини баҳолаш¹⁷

(Фоиш)

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар			Яқин 3 ойда ўзгаришлар истикболи		
	яхшиланиш	ўзгаришсиз	ёмонлашиш	яхшиланиш	ўзгаришсиз	ёмонлашиш
Корхонанинг умумий айланмаси	44,8	48,4	6,8	56,3	41,1	2,6
Банд бўлганлар сони	22,6	72,4	5,0	33,7	64,1	2,2
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх	33,3	62,4	4,3	42,5	55,0	2,5
Молиявий маблағлар: ўз, кредит ва қарз маблағлари	27,9	66,7	5,4	39,2	57,3	3,5
Рақобат мухити	35,8	60,8	3,4	44,9	52,8	2,3

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2021 йилнинг 1-чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра, 5 та кўрсаткич бўйича энг кўп улуш (48 фоиздан ортиқ)ни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврда ўзгаришсиз қолганлиги ва 23 фоиздан ортиқ корхоналар яхшиланганлигини билдирган¹⁸. Кичик корхона ва микрофирмаларда бизнеснинг ривожланиш ҳолатини тадбиркорлар нуқтаи назаридан аниқлаш ҳозирги пандемиядан кейинги давр учун долзарб ҳисобланади.

Диссертация ишининг учинчи боби «Республикада бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш» деб номланади, у Энгл-Грейнжер моделини Eттог Correction модели билан бирга қўллаган ҳолда бизнес ривожланиш жараёнларининг иқтисодий ўсишга таъсирини статистик баҳолаш, бизнес жараёнларига таъсир қилувчи бевосита ва билвосита омилларга бирлик илдиз тести қўллангандан сўнг ADLM модели асосида уларнинг бизнес жараёнларига таъсирининг тенгламалар системасини ишлаб чиқиш, сценарийлар асосида прогнозлашга бағишланган.

Тадқиқотда натижавий белги ва омил белгилар қилиб, ЯИМ таркибидаги кичик бизнес ҳажмига ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин бўлган ўзгарувчан омиллар сифатида ЯИМ таркибидаги бизнес ҳажми ва унга таъсир этувчи 14 та омил белгилар танлаб олинди ва улар, ўз навбатида, 2 та сценарий бўйича бевосита ва билвосита омиллар гуруҳига ажратилди.

Бунда бевосита таъсир этувчи омилларга кичик бизнеснинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги тармоғидаги, қурилишдаги, савдодаги, юк ташишдаги, саноатдаги, юк айланмасидаги, йўловчи ташишдаги, йўловчи айланмасидаги ҳажми каби 8 та омиллар гуруҳи ва билвосита таъсир этувчи омилларга кичик бизнеснинг экспорт ҳажмидаги, инвестициядаги, пулли хизматлардаги, жами хизматлардаги, импорт ҳажмидаги, бандликдаги ҳажми каби 6 та омил гуруҳига ажратилди.

Натижавий ва омил белгилари моделини тузишда мультикол-линеарликни текшириш учун корреляцион жадвали тузилди. Ўн хил

¹⁷ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик. Т., 2021.

вариантда моделлар орасидаги алоқадорлик текширилди, агар омилар коллинеар бўлса, бир-бирини такрорлайди, шунинг учун регрессияда улардан бирини чиқариб ташлаш лозимлигидан, корреляция коэффициентлари 0.8 га тенг ёки ундан юқори бўлган омилар чиқариб ташланди.

Сараланган билвосита сценарийси асосида таъсир этувчи омилар ҳамда уларни натижавий оми кичик бизнесда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми $-Y_t$ га нисбатан жуфт корреляция коэффициентлари 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

Билвосита сценарий бўйича омилли ва натижавий кўрсаткичларнинг корреляция коэффициентлари матрицаси¹⁹

	Y_t	X_1	X_8	X_{14}
Y_t	1	0,993281303	0,922159605	0,939785711
X_1	0,993281303	1	0,714759434	0,63215715
X_8	0,922159605	0,714759434	1	0,762034756
X_{14}	0,939785711	0,63215715	0,762034756	1

Жуфт корреляция коэффициентларининг таҳлили натижаларига эътибор қаратилса, натижавий Y_t -омига нисбатан кичик бизнес субъектларининг экспорт ҳажми ($r_{Y_t, X_1}=0,9933$) ва кичик бизнес субъектларида хизмат кўрсатиш ($r_{Y_t, X_8}=0,9222$) ҳамда кичик бизнес субъектларида хизмат кўрсатиш – X_8 ҳамда соҳада бандлар сони ($r_{Y_t, X_{14}}=0,9398$), кучли зичликда боғланган бўлиб, танланган омилар ўртасида $r_{x_1, x_2} < 0,8$ шартга кўра, мультиколлениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттириш мумкин. Бунинг учун омиларнинг ўлчов бирликлари турличалиги боис, кўрсаткичлар е асосга кўра, логорифмлаб олинади ва натижа қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Билвосита сценарий бўйича Y_t нинг кўп омилли регрессия тенгламаси ва унинг мезонлар текшируви натижаси²⁰

Dependent Variable: LNYT				
Method: Least Squares				
Date: 07/05/21 Time: 11:50				
Sample: 2000 2020				
Included observations: 21				tjad= 2,10982
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNX1	0.721478	0.030474	23.67486	0.0000
LNX8	0.433292	0.073641	5.883867	0.0000
LNX14	0.171473	0.181162	0.946517	0.0571
C	0.837233	0.430274	1.945813	0.0284
R-squared	0.998397	Mean dependent var		10.22780
